

ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнъ ойларида Сирдарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2629,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,1 % га ўсди.

2018 йил II-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 3211,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,4 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Сирдарё вилоятининг кўшган хиссаси 1,7 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-июнъ)

| | Млрд.сўм | | 2017 й. га нисбатан % да |
|--|---------------|---------------|--------------------------------|
| | 2017 й. | 2018 й. | |
| I. ЯҲМ | 2059,1 | 2629,7 | 103,1 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 1950,9 | 2435,0 | 103,0 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | | | |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 1950,9 | 2435,0 | 103,0 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 571,6 | 778,7 | 100,2 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 657,3 | 789,3 | 105,6 |
| саноат | 551,2 | 660,5 | 105,7 |
| қурилиш | 106,1 | 128,8 | 105,2 |
| Хизматлар | 722,0 | 867,0 | 102,8 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 162,1 | 195,1 | 99,1 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 132,9 | 145,6 | 105,7 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 427,0 | 526,3 | 103,2 |

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,2 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,0 %), саноат – 105,7 % (27,1 %), қурилиш – 105,2 % (5,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 99,1 % (8,0 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,7 % (6,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,2 % (21,6 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь-июнида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҲҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 92,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 7,4 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,7 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 32,0 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,3 % пунктта камайди ва 32,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилда 35,6 % ни ташкил этди ва 2017 йил (37,0 %) билан таққосланганда 1,4 % пунктика камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 8,0 % ни (2017 й. – 8,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,0 % ни (6,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 21,6 % ни (21,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январь-июнь, жамига нисбатан фоизда):**

